

Дуо ва зикр суннатга мувофиқ бўлиши | Ҳадис дарслари (355-дарс)



14:00 / 26.11.2025 1098

Дуо ва зикр суннатга мувофиқ бўлишининг фойдаси катта.

Намоздан кейинги зикр ва дуолар ҳақида келган ҳадиси шарифларни жамлаб, ўрганган уламолар уларни тартибга солиб, кўпчиликка баён қилиб берганлар. Машҳур фақиҳ Ваҳба аз-Зухайли «Ал-Фиқҳул Исломию ва адиллатуху» номли кўп жузли китобида жумладан, қуйидагиларни ёзади:

«Намоздан кейин Аллоҳнинг зикрини ва асар бўлиб қолган дуоларни қилиш суннатдир. Мазкур нарсалар ортидан суннати бўлмаган Бомдод ва Аср намозларида фарздан кейин, ортида суннати бор Пешин, Шом ва Хуфтон намозларида суннатдан сўнг адо этилади. Чунки истиффор намознинг нуқсонига эваз бўлади. Намозда Аллоҳга қурбат ҳосил қилингандан кейинги дуо эса ажру савоб олишнинг энг муносиб йўлидир.

Намоздан кейинги махфий айтиладиган зикрлар қуйидаги тартибда келтирилади: Қавмига таълим бермоқчи бўлган имом ўрганиб олгунларича овозини чиқариши мумкин. У чап тарафини меҳробга қилиб, одамларга қараб ўтиради. Сўнгра уч марта «Астағфируллоҳ» дейди. Кейин «Аллоҳумма антассалам ва минкассалам табарокта йаа залжалали вал икром» деб, «Оятул Курсий»ни тиловат қилади.

Имом Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳудан Табароний ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ким фарз намозидан кейин «Оятул Курсий»ни қироат қилса, у бошқа намозгача Аллоҳнинг зиммасида бўлади», деганлар.

Имом Насайй Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Ким ҳар бир фарз намозидан кейин «Оятул Курсий» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни қироат қилса, уни жаннатга киришдан ўлимдан бошқа нарса тўса олмайди», деганлар.

Сўнг ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар» айтилиб, «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайин қодийр» калимаси ўқилади».

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.